

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИННИГ ХИВАГА ЮРИШИ МАНБАЛАРДА (ДМИТРИЙ КОЛОКОЛЬЦОВ ХОТИРА ҚАЙДЛАРИ АСОСИДА)

Нодира ХОЛМОНОВА

катта ўқитувчи

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ориентал университети

Тошкент, Ўзбекистон

nkholmonova@inbox.ru

Аннотация

Мақолада, “Хива юриши” иштирокчиси, кўшин раҳбарларидан бири полковник Д. Колокольцовнинг Хива хонлигига қилинган ҳарбий ҳаракатларга оид хотира кундалигида қайд этилган маълумотлар таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: мустамлака, хонлик, ҳарбий экспедиция, рус кўшинлари, Туркистон округи ҳарбийлари, истехком, Амударё, Мухаммад Раҳимхон Соний, Нурек, Болта-Солдир, Одамқирилган, Д. Колокольцов.

ПОХОД РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ НА ХИВУ В ИСТОЧНИКАХ (НА ОСНОВЕ МЕМУАРНЫХ ЗАПИСЕЙ ДМИТРИЯ КОЛОКОЛЬЦОВА)

Нодира ХОЛМОНОВА

старший преподаватель

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Университет Ориенталь

Ташкент, Узбекистан

nkholmonova@inbox.ru

Аннотация

В статье анализируются сведения о военных действиях против Хивинского ханства, содержащиеся в мемуарном дневнике участника «Хивинского похода», одного из военачальников — полковника Д. Колокольцова.

Ключевые слова: колония, ханство, военная экспедиция, русские войска, военные Туркестанского округа, укрепление, Амударья, Мухаммад Рахим-хан II, Нурек, Болта-Солдир, Одамқирилган, Д. Колокольцов.

XIX асрнинг иккинчи ярми хонликлар учун синовли ва мураккаб давр бўлди. Подшо Россиясининг ўзбек хонликларига қарши ҳарбий ҳаракатлари Хива хонлигини ҳам четлаб ўтмади. Ҳарбий ҳаракатларнинг учинчи босқичи (1873–1879 йй.) айнан Хивага қарши юришлар негизида бошланди. Ўтган бир ярим асрлик вақт мобайнида хонликка турли экспедициялар, элчилик

миссиялари ташкил этилиб, бу ҳудудни мустамлакага айлантириш учун зарурий барча маълумотлар тўпланиб, ўрганилганди. Бунинг устига, хонликка қарши уюштирилган А.Б. Черкасский (1717 й.) ва Б. Перовский (1839 й.) ҳарбий экспедициялари муваффақиятсиз якун топгач, подшо ҳукумати Хивага қарши жиддий ва узоқ вақт мобайнида ҳарбий тайёргарликлар кўрди. Маълумки, Хивага қарши қўшин тўрт йўналишда бир вақтда ҳаракатга келтирилади: Манғишлоқ (полковник Ломакин), Красноводск, Туркистон (Кауфман) ва Оренбург (генерал Верёвкин). Ҳарбий ҳаракатларда қатнашган кўплаб рус қўшини раҳбарлари воқеаларни ўз кундаликларига қайд қилиб боришган. Улардан бири полковник Дмитрий Григорьевич Колокольников бўлиб, унинг хотиралари босқин амалга оширилган йилидаёқ – 1873 йилда Санкт-Петербургда нашр этилди [1]. Муаллиф кириш қисмида шундай ёзади: “...тақдир менга Хивага қаршли бўлган чексиз қум саҳролари ва қуёш нурларининг тиғида мисли кўрилмаган даражадаги ҳарбий юришларни ташкил этишимга сабабчи бўлди. Мен ёзганларим орқали бутун қўшин ва унинг чеккан захматини тасвирламоқчи эмасман. Бу алоҳида истеъдодни талаб қилади. Шахсан менга ва отрядимга тегишли ҳодисаларни ёритмоқчиман. Рус қўшинининг янги зафар билан ўралган ушбу ғалабаси олдида жим туrolмайман. Келтирилган далилларнинг аниқлигига кафилман” [1;69]. Кўриниб турибдики, руслар ўзи баҳолагандек, Марказий Осиёнинг кичик хонликларини тезлик билан босиб ололмасдан кўплаб қийинчиликларга учраган бўлиб, мазкур ғалаба уларнинг кайфиятига жуда юқори таъсир қилган.

Шу ўринда муаллиф ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак, манбада келтирилишича, полковник Д. Колокольников 1873 йил февраль ойида К.П. Кауфман томонидан 10-Туркистон батальонига раҳбарликдан четлатилиб, Тошкентдан ҳаракатланадиган Туркистон округи ҳарбийларига қўмондон этиб тайинланади ва 3 март санасида қўшин билан бирга йўлга чиқади. Мазкур қўшин Тошкентдан тўрт эшелон билан ҳаракатланади ва Жиззахда округнинг бош қўмондони билан кучларни бирлаштириш учун келишилади.

Энди Д. Колокольцов қўл остидаги қўшин таркибига назар ташласак: 1 та Туркистон сапёрлар ротаси, I Туркистон ўқчи батальонидан 2 та ўқчи рота, подполковник Перелигин раҳбарлигидаги 4 та отларга юкланган қурул, 1 та ракета дивизияси, 100 нафар Урал казаклари ва 635 туя. Шунингдек, 8 жигит йўлбошловчи сифатида ажратилган.



Мазкур қўшин Нурек дарёсидан Болта-Солдиргача жуда қийинчилик: совуқ, ёмғир, кум уюмларидан ўтиб етиб келганлиги ва Томди худудида Казалинск отряди бирлашиши кераклиги лозим бўлганлиги таъкидланади. Айнан шу ерда вақтинчалик истехком ва озиқ-овқат омбори қурилишига келишилади [1; 75]. 30 апрелгача Туркистон отряди ва Казалинскдан келган бирлашган қўшин Холота қудуғидан Одамқирилган қудуғига етиб келишади. Қўшин 9 рота, 1 та отлик батальон ва 3.000 туядан иборат ҳолатда бўлган [1;88].

Туркманлар рус қўшинларига қарши Одамқирилган мавзесида бир қанча ҳаракатлар қилишади. Мана шу ҳаракатлар натижасида рус қўшинлари Кулджан экспедицияси жараёнида қўлидан жароҳат олган подполковник барон Каулбарсга ҳар эҳтимолга қарши бир рота қўмондонлиги топширилади [1; 91]. 2 майда рус қўшинлари Амударё бўйлаб ҳаракатланиши лозим бўлишига қарамасдан, чарчоқ ва сувсизликдан ўзида куч топа олмаганлигига урғу берилади. 3 май куни қўшин Олти қудуқ манзилига етиб келишади.

Сувсизликдан қийналган қўшин ўртасида сув ва отларни суғориш борасида тартибсизликлар келиб чиқади ва бунинг олдини олиш учун қудуқлар олдида аскар ва офицерлардан иборат навбатчилик гуруҳлари ташкил этилади [1; 98]. 11 май куни Амударё бўйларига етиб келишади [1; 113].

Муаллиф таъбири билан айтганда, мазкур сана рус қўшинининг саҳродаги энг қийин кунларини ортда қолдирганини англатган. 16 май куни рус ҳарбий қўшини Оққамишда Амударёнинг шиддатли ва тезоқар чап соҳилидан ўта бошлайди. Бундан олдин Чиноздан 1 та ва Казалинскдан 3 та кичикроқ вақтинчалик кўприклар олинган бўлиб, барчаси Амударёдан кечиб ўтиш учун ҳозирланган. Дарёнинг нариги соҳилида рус қўшинлари ҳаракатини кузатиб турган туркманлар қуроллар билан ҳужум қилишади. Ҳужумга учраган Зубов қўшини эса “усталик” билан туркманларнинг қарши ҳаракатидан зарарсиз чиқиб кетади [1; 119].

Худди шу куни, яъни, 16 майда хиваликлар қўққисдан рус қўшинлари лагерига яқин жойда ҳужумга ўтишади. Натижада қўшинга олдинги қароргоҳга қайтишга буйруқ берилади. 17 майда Оққамишда генерал Головачев 2 та ўқчи рота ва отлик батальони билан хиваликларни кечаги иши учун жазолашга чиққанлиги айтилади.

Шу орада генерал-адъютант фон Кауфман Шураҳонлик бир қанча аҳоли билан учрашганлиги, улар урушсиз тинчлик хоҳлашларини ва таслим бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги хабарлар тарқала бошлайди. Кауфман эса уруш тинч аҳолига қарши эмас, балки ҳаддидан ошган ҳукуматга қарши ташкил қилинганлигини таъкидлаб, тинчлик истаб таслим бўлган ҳар бир фуқаро ўз иши билан машғул бўлиши, уларга ҳеч қандай зиён етказилмаслигини ва бу хабарни қўшни ҳудудларга ҳам тарқатишларини сўрайди. Шунингдек, Шўраҳон савдогарларини ўз маҳсулотларини сотиш учун рус ҳарбий лагерига таклиф қилади. Бунда маҳсулотлар учун нақд пул кўринишида тўловлар қилинишини ва савдогарлар зарар кўрмаслиги таъкидланади [1; 122].

20 май санасида Хивага 50 верст масофа қолганда Хива хонининг амакиси фон Кауфманга учрашишни таклиф қилиб мактуб йўллайди. Амударё бўйида жойлашган рус қўшини ҳарбий лагери атрофидаги қишлоқ аҳолиси ҳарбийларга сотиш учун турли маҳсулотларни келтира бошлайди. Бундан хабар топган хонлик девонбегиси қишлоқларни талаш учун одам юборганлиги ҳақида хабарлар авж олади. Бунга қарши атроф қишлоқларга подполковник Чайковский бошчилигида 2 та офицерлик штаби юборилади. Икки ўртада қуролли тўқнашувлар содир бўлади. Орадан бироз вақт ўтиб, хабарчи Чайковский қўшини билан Хазорасп яқинида эканлиги, битта рота қўмондони ўқдан оғир ва яна бир аскар эса совуқ қуролдан яраланганлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этгач, фон Кауфман Чайковскийга яна 2 рота жўнатишга буйруқ беради.

Фон Кауфман бошчилигидаги Туркистон қўшинлари 23 май куни Хазорасп шаҳрига кириб келишади. Д. Колокольцов эсдаликларида шаҳарни жудям манзарали бир боғга ўхшатиб, афсуски, шундай бир муҳим топширик устида ташриф буюрганлиги таъкидланади [1;129]. Хазорасп қалъаси генерал Головачев бошчилигидаги қўшин билан қийинчиликсиз эгалланади ва Кауфманга муваффақиятли яқун тўғрисида хабар етказилади [1; 130]. Орадан икки соат вақт ўтиб, шаҳарга бутун бошли аҳоли оқиб кела бошлади дейилади, бироқ унинг нима билан яқун топганлиги ҳақида маълумот берилмайди. Қўшин қўмондони Хазораспда 3 та рота ва 2 та қурол бўлимини қолдиришга фармон беради. Отрядга яраланган ҳолатда келиб қўшилиб кейин эса тузалган полковник Иванов аҳолига жавобгар, подполковник Принц эса қалъа коменданти этиб тайинланди. Маълумотларга кўра, Хазораспдан анчагина миқдорда порох, қўрғошин ва қуроллар, шунингдек, озиқ-овқат захиралари қўлга киритилган [1;131].



27 майда рус қўшинлари Хазораспдан Хивага томон йўл олади. Шу кунни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Сонийдан фон Кауфманга қуйидаги мазмундаги мактуб келади: “...русларнинг Хивага ҳаракатидан биз ҳайрон бўлдик. Чунки сизлар сўраган илтимосларни имкон даражада қилиб келаётган эдик, Казалинскка барча рус асирларини озод қилиб жўнатдик. Сиздан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни ва аввалгидек ўзаро дўстлик муносабатларини сақлаб қолишни сўрайман” [1; 133]. Бунга жавобан элчига қўшин қўмондони хон билан эртага суҳбатлашишини маълум қилиб юборади. 28 май кунни тонг соат 4 да рус қўшини Хивага 5 верстлик масофадан ҳарбий қўшинни ҳаракатга келтиради. Бироз вақт ўтиб эса хон номидан яна бир мактуб келиб, муаллифнинг таъкидлашича, хатда беҳуда қон тўкмаслик, музокара ўтказиб барча шартларни қабул қилиши ёзилган эди. Кауфман чопар орқали эртага хоннинг 100 киши билан музокаралар учун келишини тайинлаб юборади. Бу орада Кауфман Хивага қарши урушаётган оренбург отряди қўмондонига мактуб йўллаб, хон таслим бўлганини ва уруш ҳаракатларини тўхтатишини сўрайди. Бу ҳақидаги хабар жўнатилиши билан генерал Верёвкиндан Кауфман номига 28 май ҳолатига

кўра уруш ҳаракатлари баён қилинган мактуб етиб келади. Унга кўра, руслардан 40 киши бой берилган (4 таси ўлдирилган, қолганлар ярадор), бундан ташқари 2 та штаб-офицери, 6 та обер-офицер ва отряд қўмондонлари ярадор ҳолатда. Натижада кўшин раҳбарлари ўртасида тушунарсиз бир вазият юзага келади: бир томондан хон шафқат сўрамоқда, иккинчи томондан эса Оренбург отрядидан келган мактубга асосланилса, Хива деворлари ортида қандайдир жиддий ишлар кетмоқда. Кундаликда ҳамма эртанги кунни сабрсизлик билан кута бошлади: шунча қийинчиликларга дош бериб, экспедициянинг асосий мақсади бўлган шаҳарни, ҳукуматни кўришга ошиқарди, дея таърифланади [1; 134].

29 май куни Кауфман бошлиқ рус кўшинлари Хивага кириб келишади. Уларни кутиб олишга эса хоннинг амакиси ва укаси чиқади. Маълум бўлишича, хон қочиб кетган экан. Кауфман ушбу ҳолат юзасидан таажжубга тушган ҳолатда ғолибларга хос тарзда ўрнига ўтирар экан, хоннинг амакисидан унинг нега бундай йўл тутганлигини сўрайди. Маълум бўлишича, кеча фон Кауфманга ҳукуматдаги тинчлик тарафдорларининг маслаҳати билан хон мактуб йўллаган бўлган. Унинг бу иши ёвмутларга маъқул келмаган ва хонга уни халқ иродасидан келиб чиқиб иш қилмаганлигини, ортиқ уни хон сифатида тан олмасликларини айтишади. Оқибатда шу воқеа содир бўлган.

Кауфман мазкур ишни хоннинг укасидан ҳам сўраганда, у шу вақтга қадар тутқунликда бўлганлигини ва хон қочгандан кейингина халқ хоҳиши билан озод қилинганлиги ва бу ишлардан мутлақо хабарсиз эканлигини айтади [1; 135]. Бу жараёнда Кауфман хоннинг амакисига Муҳаммад Раҳимхон Сонийга рус кўшинлари унинг бу қилмишидан норозилигини, музокаралар учун тезда етиб келишини ва агар келмаса, ўрнига бошқа бировни хон қилиб тайинлашларини маълум қилиб мактуб йўллашни сўрайди. Шу билан дастлабки учрашув якунланади.

Муаллиф аҳоли ҳақида сўз юритар экан, рус кўшинлари аҳоли томонидан бирор сўз демасдан, юзларида қандайдир лоқайдлик билан кутиб

олганликлари айтилади. Хива 1873 йил 29 майда рус қўшинлари томонидан эгалланиб, генерал Головачев томонидан шаҳарнинг ҳар ярим верст қисмига рус ҳарбийлари жойлаштирилади [1;139]...(1873 йил, 29 май “Хива деворлари ортидаги лагер”).

Сўнгида айтиш ўринлики, Россия империяси босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида энг кўп ҳарбий ва илмий-амалий экспедицияларни Хива хонлигига йўналтирган бўлиб, манбаларда ҳам бу борада эслаб ўтилади. Хусусан, Муҳаммад Юсуф Баёний “Шажараи Хоразмшоҳий”да 1873 йилги Кауфман бошчилигидаги ҳарбий ҳаракатлар тасвири олдида “...Аммо Русия давлати мундин бурун беш мартаба Хоразм устига аскар юбориб, аларнинг баъзилари Хоразм йўлида ташналикдин кирилиб, баъзилари Хоразмга бориб урушиб, кирилиб, ханузгача асло зафар топа олғонлари йўқ эрди...” деб ёзади [2; 207]. Мазкур экспедициялар натижаси ўлароқ хонлик 1873 йилда эгалланди. Бироқ, қайд этилганидек, ҳарбий ҳаракатлар давомида жуда катта қийинчиликларга дуч келинди. Бежизга 1898 йилда “Хива юришига 25 йил” номи остидаги медаллар юриш иштирокчилари бўлган ҳарбийларга тақдим этилмайди. Бу, ўз навбатида, руслар таъкидлагандек, хонликлар “осонгина” эгаллангани эмас, балки, ўзбек хонликлари, хусусан, Хива хонлигининг босқинчиларга қарши мардонавор курашини англатади ҳамда рус аскарларининг кечирган қийинчиликлари акс-садоси сифатида янграйди.

Бу каби хотира мазмунидаги кундаликлар талайгина бўлиб, уларни илмий тадқиқ этиш орқали тарих ҳақиқати юзага чиқиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Экспедиция в Хиву в 1873 году. От Джизака до Хивы. - Походный дневник. Полковника Колокольцова. – СПб., 1873. – 73 с.
2. Баёний, Муҳаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. Нашрга тайёрловчи И. Адизова, масъул муҳаррир Н. Жумаев. – Тошкент: Камалак, 1991. – 207 б.